

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

607 Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш орган-
лари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча-
лар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил
26 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2272-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14-ноябрдаги 387-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 30 сентябрдаги 222-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2272, 2011 йил 30 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 40-сон, 432-модда) билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Нотариат, адвокатура ва ФХДЁ органлари бошқармаси ҳамда Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Н. Жўраев зиммасига юклансин.

Вазир

М. ИКРАМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 26 декабрь,
305-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2016 йил 26 декабрдаги
305-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 5-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш муносабати билан ходимга маълум бўлиб қолган ҳолатлар хизмат сири ҳисобланиб, улар, шу жумладан меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин ҳам ошкор этилиши ёки эълон қилиниши мумкин эмас.».

2. 7-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш;»;

иккинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишлича учинчи — ўн иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга (ўзларига нисбатан тузилган далолатнома ёзувлари бўйича) фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари қайд қилинганлиги ҳақида гувоҳномалар, зарур ҳолларда такрорий гувоҳномалар ва маълумотномалар бериш;

Адлия вазирлиги, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, иш юри-тувида мавжуд бўлган ишлар муносабати билан нотариуслар, шунингдек ФХДЁ органлари ва Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг ёзма сўровномаларига кўра далолатнома ёзувларидан нусхалар ёки улардан кўчирмалар ва маълумотномалар бериш;»;

ўн иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шунингдек фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини қайд қилиш масалалари юзасидан ҳуқуқий тарғи-бот ва ташвиқот ишларини олиб бориш.».

3. 8-банднинг иккинчи хатбошиси «, шунингдек оталикни белгилаш, фарзандликка олиш, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш ҳаракатлари-ни амалга оширади» деган сўзлар билан тўлдирилсин:

4. 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Адлия бошқармалари ФХДЁ архивлари мазкур Низомнинг 7-бан-дида назарда тутилган функциялардан ташқари ФХДЁ органларининг хабар-номаларига асосан далолатнома ёзувларининг иккинчи нусхаларига тегиш-ли ўзгартириш ва белгилар киритади ҳамда уларни бекор қилади.

Далолатнома ёзувининг биринчи нусхаси мавжуд бўлмаган тақдирда, унинг иккинчи нусхасига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритади.

Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаларида қайд этилган фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг биринчи нусхаси сақланаёт-ган Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ФХДЁ архиви далолатнома ёзувлар-га ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритади.».

5. 25-банд «чиройли дастхатга» деган сўзлардан кейин «ҳамда компью-терда ишлаш малакасига» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6. 28-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«28. ФХДЁ органлари ходимлари ўзи, эри ёки хотини, ўзининг ва унинг қариндошлари (ота-оналари, болалари, неваралари, боболари, бувилари, туғишган ака-укалари ва опа-сингиллари) тўғрисида фуқаролик ҳолати да-лолатнома ёзувларини қайд этишга ёки уларга тегишли ўзгартириш, туза-тиш ва қўшимчалар киритишга ҳақли эмас. Бунда фуқаролик ҳолати дало-латнома ёзувлари адлия бошқармасининг ёзма кўрсатмасига асосан бошқа ходим томонидан ёки бошқа ФХДЁ органида қайд этилади ва бу ҳақда фу-қаролик ҳолати далолатнома ёзувининг белгилар устунига тегишли изох киритилади.».